

| «ҚЎҚОНСПИРТ» АЖНИНГ 2018 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ БАХОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА: | |
|---|---|
| <p>«Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси» ДК томонидан 2019 йил 15 мартдаги №11-15/1350Ц сонли хати билан жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисоботи, хулоса ва корпоратив бошқарув тизимини самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар тақдим қилинди.</p> <p>Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган саволнома асосида ўтказилиб, унинг натижа “юқори” бўлиб, 894 баллни ташкил этган, яъни 75%.</p> <p style="text-align: center;">Баҳолаш натижалари бўйича қуйидагилар аниқланди:</p> | |
| Кодекс тавсияларига риоя қилинмаган йўналишлари | Тушунтиришлар |
| Жамият ички ҳужжатларда умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиш имкони берилмаган. | 2019 йил 22 июнда бўлиб ўтган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг АУЙ тўғрисидаги Низоми янги тахрирда тасдиқланган ва ушбу камчиликни тўлдирувчи тегишли банд билан тахрирланган. |
| Жамият томонидан тафтиш комиссия органи таркибига ҳамда унинг аъзолари малакасига талаблар белгиланган ички ҳужжатлар ишлаб чиқиш. | 2019 йил 22 июнда бўлиб ўтган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг Тафтиш Комиссияси тўғрисидаги Низоми янги тахрирда тасдиқланган ва ушбу камчиликни тўлдирувчи тегишли банд билан тахрирланган. |
| Акциядорларга электрон рақамли имзо орқали овоз бериш имкони ва видеоконференцалоқа режимида умумий йиғилиш ўтказиш имконияти яратилганми? | Акциядорларга электрон рақамли имзо орқали овоз бериш имкониятини яратиш масаласи янгилик бўлганлиги боис, мазкур масала амалиётда кенг қўлланила бошлангандан сўнг жорий этиш режалаштирилмоқда. |
| Жамият ички ҳужжатларда акциядорлар учун овоз беришда ягона позициясини шакллантириш учун акциядорлик келишувлар тузиш имконияти берилмаган. | 2019 йил 22 июнда бўлиб ўтган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг АУЙ тўғрисидаги Низоми янги тахрирда тасдиқланган ва ушбу камчиликни тўлдирувчи тегишли банд билан тахрирланган |
| Жамиятнинг узоқ муддатли ривожлантириш стратегияси тасдиқланмаган. | Жамиятда ўрта муддатли стратегия тасдиқланган. Узоқ муддатли стратегиянинг асоси бўлган муҳим иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган махсулот ишлаб чиқариш балансига бевосита боғлиқлиги сабабли жамиятнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш имкони йўқ. |
| Жамият ички ҳужжатларда акциядорлар умумий йиғилиши раисига акциядорлар умумий йиғилишини видеога ёзиб олиш ва интернет тармоғида трансляция қилишни амалга ошириш бўйича ҳуқуқ берилмаган. | 2019 йил 22 июнда бўлиб ўтган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг АУЙ тўғрисидаги Низоми янги тахрирда тасдиқланган ва ушбу камчиликни тўлдирувчи тегишли банд билан тахрирланган |
| Акциядорлар умумий йиғилишида ҳисобот берадиган АЖ бошқарув ва назорат органлари маърузаси (ҳисоботи) матни ва шакллари талаблар ўрнатилмаган. | 2019 йил 22 июнда бўлиб ўтган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида жамият бошқарув ва назорат органлари маърузаси (ҳисоботи) матни ва шакллари талаблар тўғрисидаги низом тасдиқланди. |

| | |
|---|--|
| <p>Ижроия орган раҳбари ва аъзоларини танловини ўтказиш тўғрисидаги эълон матни чоп қилинмаган.</p> | <p>2018 йилда Ижроия орган раҳбари ва аъзоларига танлов ўтказилмаган. Кузатув кенгаши томонидан Ижроия органи раҳбарлигига ва аъзоларига ижро органининг бизнес-режани бажарилишига баҳо берган ҳолда сайланади.</p> |
| <p>Жамиятда сифат менежменти тизими бўйича халқаро орган томонидан бериладиган халқаро сертификат олинмаган.</p> | <p>Жамиятда томонидан O'z DSt ISO 9001:2015 ва O'z DSt ISO 22000:2009 сифат менежменти тизимлари бўйича Ўзбекистон бўйича амал қиладиган миллий сертификат олинган.</p> |
| <p>Жамият сайтида фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг шарҳлари ва прогнозлари мавжуд эмас.</p> | <p>Фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларнинг шарҳлари ва прогнозлари эълон қилингандан сўнг жамият сайтига жойлаштириш кўзда тутилган.</p> |